



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси

Транспорт вазирлиги хузуридаги

Агентлиги директори

Т.Э.Улжаев

10 " 05 2019й.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Транспорт вазирлиги хузуридаги фуқара авиацияси Агентлиги**  
**Авиация ходимларига гувоҳномаларини бериш**  
**ва муддатини узайтириш бўлими тўғрисида**  
**НИЗОМ**

- Асос:** 1. Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси.  
2. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги фуқара авиацияси Агентлиги тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.04.2019й.337-сонли қарорига 4-илова).  
3. ИКАОнинг 1-илласи ва Doc9379-AN/916

**1. Умумий қондалар**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги фуқара авиацияси Агентлиги (келгусида - Агентлиги бўлиб юритилади) авиация ходимларига гувоҳномаларини бериш ва муддатини узайтириш бўлими (келгуси ўришларда - ГББ) авиация ходимларига маҳоратларини танлаш ва гувоҳномаларни бериш, муддатини узайтириш бўйича масалалар билан шуғулланиб, Агентлик бошлиғининг ўринбосарига бўйсинади.

1.2. ГББ ўзининг фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонучилигига, ЎЗР ФА меъёрий ҳужжатларига, ИКАОнинг амалдаги стандарт ва тавсияларига, Агентлиги тўғрисидаги Низомга, Агентлик бошлиғининг буйруқ ва Кўрсатмаларига ҳамда ушбу Низомга таяниб иш кўради.

1.3. ГББ бевосита вазифаси ва ходимларнинг ҳуқуқлари ушбу Низом, лавозим йўриқномалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан белгиланади.

**2. ГББ вазифалари**

2.1. ЎЗР фуқаро авиацияси авиация ходимларига маҳоратларини танлаш ва гувоҳнома берилиши, муддатининг узайтирилишини белгиловчи ЎЗР фуқаро авиацияси қонунлари ва низомларига риоя қилиши.

2.2. ЎЗР фуқаро авиацияси авиация ходимлари гувоҳномаларининг ҳаракат муддатини узайтириш, маҳоратлари ва тоифа классларини тақдирлаш, тасдиқлаш, ошириш (тушириш) ҳужжатларини кўриб чиқиш ва расмийлаштириш.

2.3. ЎЗР ФА авиация ходимларига гувоҳномаларини бериш ва муддатини узайтириш, ходимларни тайёрлаш масалалари бўйича Агентлиги бўлимлари, ЎЗР ФА бошқа тизим ва авиакомпаниялари билан ўзаро ҳамкорлиги.

2.4. Авиақорхоналар Малака комиссиялари фаолияти учун назорат.

2.5. ЎЗР ФА ваколатдаги органлари томонидан берилган гувоҳноманинг қонунийлигини тасдиқлаш ва бошқа давлатлар томонидан берилган гувоҳномаларни тан олиш:

### **3. ГББ мажбуриятлари**

3.1. ЎзР ФА авиация ходимлари маҳорати ва уларга гувоҳнома бериш ҳамда муддатини узайтириш масалалари бўйича ИКАОнинг амалдаги тавсиялари ва стандартларига асосан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

3.2. ЎзР ФА авиация ходимлари маҳорати ва уларга гувоҳнома бериш ҳамда муддатини узайтиришда қабул қилинган қарор ва ҳужжатларни кўриб чиқиш.

3.3. Варақлари (қўшимча варақлар)ни (ATPL, CPL инглиз тили даражаси) расмийлаштириш ва ЎзР ФА авиация ходимлари маҳоратлари бўйича гувоҳномаларни бериш, алмаштириш.

3.4. Учиш, муҳандислик-техник таркиби ва ҚХБ диспетчерларининг гувоҳномаларини олишда ёки гувоҳномаларининг ҳаракат муддатини узайтиришда маҳорат ва тоифа даражаларини ошириш (тушириш), эга бўлиш (тасдиқлаш) пайтидаги билимлари, техник учини, самолётни ҳайдаш ва ундаги янги назарий билимларни эгаллаш даражасини текширишниб олиб боради.

3.5. ОМК имтиҳон олувчиларини тайинлаш учун номзодларни танлаш ва тайинлаш.

3.6. ҚХБ ва МТТучиш таркиби, диспетчерлик мутахассислари маҳорат ва тоифа даражаларини олдиндан оширишга ҳужжатларни тўплаш.

3.7. Авиакорхоналар билан малака комиссиясининг ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг ваолияти учун назорат.

3.8. ЎзР ФА авиация ходимлари гувоҳномаларини бериш Реестирга киритиш ва, шуниингдек кўрсатилган мутахассисларнинг (гувоҳнома эгалари) аралашув ҳисобини олиб бориш.

3.9. Ҳар бир гувоҳнома эгасининг ишларини тузиш ва олиб бориш.

3.10. Бўлимда иш юритилишини олиб бориш.

3.11. ЎзР ФА авиация ходимларининг гувоҳномаларини қайтариш ва йўқ қилиш.

### **4. ГББ фаолиятини ташкиллаштириш**

4.1. Ўзбекистон Республикаси Агентлиги бошлиғи томонидан тайинланадиган ва озод қилинадиган ГББ бошлиғи бўлимни бошқаради.

4.2. ГББ бошлиғи лавозимига олий авиация маълумотига эга бўлган, фуқаро авиацияси команда-раҳбарлик ишларида камида 5 йил ишлаган, давлат ва инглиз тилни мансаб вазифаларни бажаришга етарли даражада эгаллаган авиация мутахассиси тайинланади.

4.3. ГББ тизим схемаси ушбу Низомнинг иловасида кўрсатилган.

4.4. ГББ Агентлиги бошлиғининг ўринбосари томонидан тасдиқланган йиллик ва ойлик иш режаси асосида ўзининг фаолиятини амалга оширади.

4.5. ГББ бошлиғи йўқ бўлганида унинг вазифасини бўлим етакчи мутахассиси томонидан бажарилади.

### **5. ГББ бошлиғининг мажбуриятлари**

5.1. Авиаходимга маҳорат ва гувоҳномалар бериш масалаларини белгиловчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни билиши, ИКАОнинг амалдаги тавсиялари ва стандартларини, бўлим фаолиятини ташкиллаштириш бўйича ЎзР авиация қондаларини ҳамда меҳнат қонунчилиги асосларини билиши керак.

5.2. ГББ фаолиятини ташкиллаштириш ва раҳбарлик қила олиши, бўлимнинг вазифа ва мажбуриятларини бажарилишини таъминлаши зарур.

5.3. Маҳорат даражасини ошириш (тушириш)ни эгаллашга, тасдиқлашга ва гувоҳнома олишга ва муддатини узайтиришга номзоднинг топширган ҳужжатлари объективлигини назорат қилади.

5.4. Белгиланган тартибга жавоб бермайдиган авиаходимларни маҳорат даражаларини олиш ва гувоҳнома берилишини тақиқлайди.

5.5. ЎзР ФА авиация ходимлари маҳорати ва уларга гувоҳнома бериш, унинг муддатини узайтириш масалаларини белгилловчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишни ташкиллаштиради ва унда қатнашади.

5.6. Иш юритилишини олиб боришни, гувоҳнома шакллари хисобга олиш ва сақлашни ташкиллаштиришни назорат қилади.

5.7. Бўлимнинг иш режаларини бир ойга, бир йилга тасдиқлаш учун тайёрлайди, унинг бажарилишини назорат қилади.

5.8. Ички меҳнат тартиби қоидаларига, меҳнат муҳофазаси меъёрлари ва қоидаларига, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитария ва ёнгин муҳофазасига, давлат сирларини сақлашга.

5.9. Авиаходимларнинг гувоҳномалари ва шахсий ишларининг сақланиши тўғрисида маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди.

## 6. ГББ бошлигининг ҳуқуқлари

6.1. Бўлимнинг ишларига тегишли раҳбарият билан келишган ҳолда ЎзР ФА эксплуатантлари раҳбарлик таркибидаги, команда-учиш шахслардан зарур авиамутахассисларни жалб этади.

6.2. Алоҳида ҳолатларда маҳорат комиссияси таркибида зарур мутахассислар бўлмаганида, ҳаво ҳаракатини бошқаришдаги, назарий билимларни, техник парвозни, самолёт ҳайдашни, ХК ишларидаги амалий янгиликларни ЎзР ФА (мажмуалари, авиакорхоналари) авиакомпаниялар МК (ММК) аъзоларидан, раҳбарлик, команда -учиш таркибидан текширишга рухсат беради.

6.3. МК раҳбарлари ва котибиятидан авиаходимлар маҳорати ва гувоҳномаларини бериш, муддатини масалалари бўйича ҳисоботлар, маълумотномалар ва бошқа зарур ҳужжатларни талаб қилади.

6.4. ЎзР ФА авиакорхоналар раҳбарларидан ҳар чоракда гувоҳномага эга бўлган авиаходимларнинг аралашуви, ҳаракатлари тўғрисида ҳисоботларни талаб қилади.

## 7. ГББ бошлигининг жавобгарлиги

7.1. ГББ бошлиги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, ўзининг ваколати доирасида қуйидагилар учун шахсан жавобгар:

7.2. Ушбу “Низом” билан бўлимга юкланган топшириқ ва вазифаларнинг бажарилишига;

7.3. Кўрсатма ва меъёрий ҳужжатлар талабларининг вақтида ва сифатли бажарилишига;

7.4. Авиация ходимлари маҳорати ва уларга гувоҳнома бериш, муддатини узайтиришда улар томонидан чиқарилган ҳулосаларнинг обективлигига;

7.5. ГББ томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларнинг сифатига;

7.6. Белгиланган тартибга мувофиқ иш юритилишини ташкиллаштирилишига;

7.7. Гувоҳнома бланкалари ва бошқа ҳужжатларнинг сақланиши ва ҳисобини олиб бориш.

7.8. ГББ ходимлари томонидан Агентлиги ички меҳнат тартиби қоидаларига, уларнинг лавозим йўриқномаларида белгиланган вазифаларни бажаришларига, меҳнат ва ижро интизомига, меҳнат муҳофазаси ва ёнгинга қарши муҳофазага;

7.9. Агентлиги ходимларининг этика ҳулқи қоидаларига риоя қилинишига.

7.10. Хизмат ва давлат сирларини сақлашга.

ГББ бошлиги

  
Ж.С. Оразбаев

ИМЗОЛАНДИ:

Директор уринбосари

О.Н. Лим

МИБ бошлиги-бош хисобчи

Н.У.Индиша

Бош юрисконсулт


И.Р.Байбурина

КҚ раиси

Р.Д.Гулямов

Ўзбекистон Республикаси

10.05.2019



Раис КҚ. Гулямов Р.Д.

10.05.2019



Бош хисобчи Н.У.Индиша

10.05.2019



Бош юрисконсулт И.Р.Байбурина

**Авиация ходимларига гувоҳномаларини  
бериш ва муддатини узайтириш  
бўлими тоғрисидаги лизомга  
нлова**

**Авиация ходимларига гувоҳномаларни бериш  
ва муддатини узайтириш бўлими тизим  
схемаси**

